



**Илмий – амалий конференция
материаллари**

**ИЛМ - ФАН
ВА
ИННОВАЦИЯ**

Қ а р ш и

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯ

**Илмий-амалий конференция
материаллари**

**Қарши
“Қарши давлат университети” нашриёти
2019**


ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА МУЛТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.

*Таълим тарбия назарияси ва методикаси
(бошланғич таълим) магистри: Ғойимов У.Э.
Илмий раҳбар: п.ф.ф.д. Турдиев Ш.*

Таълим тизимига электрон таълимни жорий этиш биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан, таълим соҳасининг ахборотлашувига, ахборот таълим ресурсларини ишлаб чиқишга боғлиқ. Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида таълимни ахборотлаштириш, шу жумладан, электрон таълимни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Электрон таълимни ривожлантириш орқали талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, таълимда янги ахборот технологияларини жорий этиш таълим соҳасидаги ислохотларнинг диққат-марказидан ўрин олган [2].

Таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясининг асосли механизмларини ишлаб чиқиш, уни амалиётга жорий этиш, ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш, таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашни янги педагогик ҳамда ахборот технологиялари асосида электрон таълимдан фойдаланган ҳолда ўқишни жадаллаштириш долзарб вазифалар сирасига кирази. Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини электрон таълим асосида ташкил этиш, шу жумладан, ўқув материалларини баён этишни такомиллаштириш тамойилларига маълум ўзгартиришлар киритиш зарур бўлади. Бунда таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш мақсадга эришишдаги энг самарали йўл ҳисобланади [1].

Multimedia texnologiyasining tavsifi



1-расм. Мултимедиа технологиясининг таснифи

Асосий техник таъминот билан таъминланганлик: компью-терлар, тармоқ қурилмалари, юкори тезликдаги интернет тармоқлари, видеоконференция жиҳозлари ва ҳоказо. Дастурий таъминотга: мавжуд қурилмаларни ишлатадиган дастурий таъминотлардан тортиб шу соҳа учун мўлжалланган дастурлар тўплами киради (1-расм).

Сўнгги йилларда Фарбда таълим тизимини бошқаришда қўлланилиб келинаётган Интернет ёки Интранет тармоғи орқали электрон шаклдаги таълим тури элеарнинг (электрон таълим) атамаси билан кириб келди. Электрон таълим — ахборот-коммуникация технологиялари асосидаги таълимнинг турли кўринишларини англатувчи кенг тушунчадир[4].

Электрон таълимни ташкиллаштиришнинг кўпгина манбалари орасидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: муаллифлик дастурий маҳсулотлари (Authoring tools); виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлар LMS (Learning Management Systems); ички контентни бошқарувчи тизимлари CMS (Content Management Systems) [3].

Электрон таълимни ташкиллаштиришда ишлатиладиган дастурий таъминотлар структураси ҳозирда мавжуд LMS

тизимларнинг тарихи ва таълим бозорида эгаллаган сармоғи LMS тизимларининг асосий функциялари LMS / LCMS тизимлари электрон таълимни (масофавий таълим жараёнини) ташкил этишнинг асосий функцияларини ўз ичига олади. Бундай функцияларга ўқувчиларнинг (ўқитувчиларнинг, курс яратувчи педагогларни ва бошқаларни) рўйхатга олиши, фойдаланувчиларни ўқув курслардан четлаштириш, ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш муҳитини яратиш, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ўзаро индивидуал ёки/ва гуруҳ бўлиб, ҳамкорликда ишлашини (Web2 элементларини ишлатиш орқали) ташкил этиш, гуруҳлар яратиш ва уларни бошқариш, оралик, жорий ва якуний назоратларни ташкиллаштириш ва электрон назорат турларини яратиш (электрон назорат турларига ёпиқ турдаги тест, очик турдаги назорат, мосликни топишга оид, кетма-кетликни тўғри жойлаштириш, бўш қолдирилган жойни тўлдириш ва бошқа турлари киради), ҳар хил турдаги ижтимоий сўровлар ташкиллаштириш, ўқувчиларнинг билим даражасини мониторинг қилиш, сертификатлар (дипломлар) бериш имконияти, электрон ахборот ресурсларини (электрон кутубхоналар) ташкиллаштириш, электрон ўқув ресурсларини экспорт/импорт қилиш имкониятлари, тизим фойдаланувчиларининг (ўқувчилар, ўқитувчилар (тutorлар), курс яратувчи педагогларнинг) тизимга қачон, қанча вақт давомида ўқув контентлар[3].

Мультимедияни ишлаб чиқишдан мақсад – ташкилий лойиҳалаш тириш, технологик ва ҳақозо жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда тизим фаолиятининг самарадорлигини оширишдир.

Ўрганилаётган фан соҳасини акс эттирувчи айрим хусусиятларга эга бўлган тизимнинг кўплаб тушунча ва таърифлари мавжуд.

Тизим деганда, улар орасидаги ва уларнинг хусусиятлари ўртасидаги алоқалар мажмуига эга бўлган, яъни бир-бирига чамбарчас боғланган қисмлардан иборат бутун бир объектлар мажмуаси тушунилади. Бундай таърифдаги тизимга қуйидагиларни қилиб келтириш мумкин: деталлар ва туташтирувчи қурилмалардан йиғилган машина; хужайраларнинг бутун

мажмуини ташкил этувчи тирик организм; турли ресурслар, бир-бири билан боғланган кўплаб ишлаб чиқариш жараёнлари ва кишилар жамоалари яхлитлигида юзага келган корхоналар ва ҳоказо. Бундай ҳолларда объектлар ягона тизим сифатида ишлайди, яъни ҳар бир объект, кичик тизимлар умумий тизим олдидаги ягона мақсад учун ҳаракат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Краснова Г.А., Беляев М.И., Соловов А.В. Технологии создания электронных обучающих средств: 2-е издание. – М.: МГИУ, 2002. – 304 с.

2. Ҳамдамов Р.Ҳ., Масофадан ўқитиш тизимларини яратишдаги юзага келадиган муаммолар ҳақида. «Фан ва таълимда ахборот-коммуникация технологиялари» Республика илмий-техник конференциясининг материаллари. Тошкент. 6-7 апрел 2006 й.

3. Хамидов В.С. Эркин ва очик кодли LMS тизимлар таҳлили, infocom.uz журнали №7,8. 14 бет, 2013 й.

4. Нишонов А.Х. ва бошқалар. Таълима эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар, Ахборот технологиялари ва телекоммуникация муаммолари, республика илмий-техник конференцияси, Тошкент 2012 й.121-123 б.

ЁШ ОИЛАЛАРДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Таянч докторант: И.А.Жабборов

Ёш оилаларда эр-хотин муносабатлари улардаги ижтимоий-психологик хусусиятлар психология фанининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ижтимоий психологияда оилавий ҳаёт муаммоларига доир илмий тадқиқот ишлари қанчалик кенг миқёсда олиб борилишига қарамай, унинг ҳали етарли даражада ўрганилмаган томонлари ҳам мавжуд. Булар қаторига ёш оилаларда эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳам киради.

Бугунги кунда оилада эр-хотин муносабатларини

Мундарижа

№	Муаллиф Ф.И.Ш.	Мақола мавзуси	бет
1	<i>Eshboyev E., Bozorov A.</i>	Tanlanma fayllarning miqdoriy alomatlari hissalarini hisoblash	3
2	<i>Jamolov Sh. Nodirov Sh.D.</i>	Bir o'lchamli simpleksda aniqlangan kubik stoxastik operatorning qo'zg'almas nuqtalari haqida	4
3	<i>Rajabova O.B. Hayriddinov B.E.</i>	Gelioteplitsa parrandachilik binosining teplofizik va energetik masalalari	7
4	<i>Rajabova O.B., Abdullaev A.I. Hayriddinov B.E.</i>	Маҳаллий иссиқлик сакловчи қурилиш материалларини иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини аниқлаш	11
5	<i>Raximov A. Dilmurodov N.</i>	Jukovskiy funksiyasining iteratsiyalari	16
6	<i>Умарова Ш. Х. Янгибоев З.Ш.</i>	Обобщенная задачи Коши для волнового уравнения	18
7	<i>Xurramov O., Mejlisov X.</i>	Ikki o'lchovli simpleksda aniqlangan mendel va bernulli o'lchovlari orasidagi bog'lanish	21
8	<i>Shoimov B.S</i>	Kasr tartibli integro-differensial operator qatnashgan parabolik-giperbolik tipdagi tenglama uchun chegaraviy masalalar	23
9	<i>Iskandarova Sh.A.</i>	O'smir yoshlarning salomatlik ko'rsatkichlari	26
10	<i>Omonov O.</i>	Ҳисор давлат қўриқхонаси дендрофлорасининг турлар таркиби	28
11	<i>Самадова Н.Н., Буранова Г.Б</i>	Ҳомиладор аёлларда тўғри овқатланишнинг ўзига хос хусусиятлари	36
12	<i>Умедова Ш.Н.</i>	Ўсмир-ёшларнинг жисмоний ривожланишида соғлом овқатланиш	39

13	<i>Xosilova G., Ismoilova G. Davronov B</i>	Tallimarjon suv ombori faunasi va bioekologik xususiyatlari	43
14	<i>Yusupov B.B.</i>	O'zbekistonda erkin iqtisodiy zonalar tashkil etishda jahon tajribasini qo'llash	45
15	<i>Акбарова М. А. қизи</i>	Болаларни спортга йўналтиришда ота-оналарга психологик тавсиялар.	49
16	<i>Бекова Ш.Ж.</i>	Мактабгача ёшдаги болалар коммуникатив қобилиятларини шакллантиришда ўзин фаолиятининг ўрни	52
17	<i>Ганиев Б.</i>	Ўқувчиларда ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда техник моделлаштириш ва конструкциялашнинг ўрни.	55
18	<i>Ғойимов У.Э. Турдиев Ш.</i>	Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда мултимедиа воситаларидан фойдаланиш.	57
19	<i>Жабборов И.А.</i>	Ёш оилаларда эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари	60
20	<i>Zikirova N., Ochilova N.</i>	Zamonaviy o'qituvchining kasbiy-pedagogik mahorati	63
21	<i>Keldiyarova V. B. Oripova.N.</i>	Xalq og'zaki ijodi – boshlang'ich sinf o'quvchilarida obrazli tafakkurni shakllantirishning manbai sifatida	66
22	<i>Muxammadiyeva A. Oripova N.X.</i>	Maktabgacha yoshidagi bolalarni kreativlikka o'rgatish metodikasi	68
23	<i>Nurmaxmatov L.</i>	Tabiiy fanlarni o'rganishda amaliy metodlarning o'rni va ularning tasnifi	70